

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ГАДАЕВА НИЛУФАР АБДИҒАФФАРОВНА

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИДА COVID19 ЎТКАЗГАН
БЕМОРЛАР БУЙРАКЛАРИ ФУНКЦИОНАЛ ЗАХИРАСИ ҲАМДА
ИНТЕРЛЕЙКИН-6 ВА ГЕМОДИНАМИКА КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
БАҲОЛАШ**

14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Гадаева Нилуфар Абдигаффаровна

Сурункали юрак етишмовчилигида COVID19 ўтказган беморлар
буйраклари функционал захираси ҳамда интерлейкин-6 ва
гемодинамика кўрсаткичларини баҳолаш..... 3

Гадаева Нилуфар Абдигаффаровна

Оценка функционального резерва почек, интерлейкина-6 и
гемодинамических показателей у больных с хронической сердечной
недостаточностью, перенесших COVID-19..... 21

Gadaeva Nilufar Abdigaffarovna

Assessment of functional reserve of kidneys, interleukin-6 and
hemodynamic parameters in patients with chronic heart
failure recovered from COVID 19..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ГАДАЕВА НИЛУФАР АБДИҒАФФАРОВНА

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИДА COVID19 ЎТКАЗГАН
БЕМОРЛАР БУЙРАКЛАРИ ФУНКЦИОНАЛ ЗАХИРАСИ ҲАМДА
ИНТЕРЛЕЙКИН-6 ВА ГЕМОДИНАМИКА КЎРСАТКИЧЛАРИНИ
БАҲОЛАШ**

14.00.25 – Клиник лаборатор ва функционал диагностика

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1743рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахбороттаълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Арипов Абдумалик Нигматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гафарова Феруза Муратходжаевна
тиббиёт фанлари доктори

Усмонова Дурдона Джурабаевна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Ш. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ш.А. Бабаджанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёнинг барча мамлакатларида COVID-19 пандемия кўринишида катта тезликда тарқалиб жаҳонда миллионлаб аҳоли у билан касалланмоқда. Табиийки бу ҳол барча тадқиқотчилар олдида ушбу касалликни ҳар томонлама ва атрофлича чуқур ўрганишни кун таркибида асосий вазифа қилиб қўймоқда. Дунё олимларининг ҳозирги кузатувларига кўра жараён айрим ҳолларда белгиларсиз кечса, кўп ҳолларда юқори нафас йўллариининг ўткир респиратор инфекцияси белгилари билан намоён бўлади Ундан сўнг беморларнинг бир қисмида зотилжам, ўткир респиратор дистресс синдром, сепсис ривожланиб пировард оқибатда барча аъзоларнинг (полиорган) етишмовчилиги юзага келади¹. Бугунги кунда барча тадқиқотчилар томонидан COVID-19 касаллиги ёши улуғ кишилар ва турли ёндош касалликлар мавжуд бўлган беморларда оғир кечиб кўпроқ ўлимга сабаб бўлиши эътироф этилган. Улар орасида унинг юрак қон-томир касалликлари негизида коморбид ривожланишига алоҳида эътибор берилган бўлса ҳам аммо ҳозирга қадар COVID-19 миокарднинг турли касалликлари, хусусан сурункали юрак етишмовчилигида (СЮЕ) ва унда буйракдаги ўзгаришларга таъсири тўғрисида яқиний хулосага келинмаган. Ушбу ҳолатларни эрта ташхислаш, самарали даволаш ҳамда олдини олиш тамойилларини яратиш тиббиётнинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Жаҳонда олиб борилаётган кўп сонли популяцион ва илмий тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ишонч билан айтиш мумкинки кардиоренал ўзгаришлар билан юрак қон-томир касалликлари, жумладан СЮЕ ўртасида мустақкам ўзаро боғлиқлик мавжуд. Бемордаги СЮЕ оқибатида қатор ҳолларда сурункали буйрак касаллиги (СБК) ривожланади ва улар бир-бирига кучайтирувчи таъсир кўрсатади. Натижада уларни шифохонага такрор ётишлари ва ўлимлар сони кескин кўпаяди ҳамда молиявий харажатлар ошади [Sardu C, Gambardella J, Morelli MB et al.2020]. СЮЕ ва СБК бирга келган ҳолларда Covid-19 инфекциясининг кўшилиши беморлар умумий аҳолига кескин салбий таъсир кўрсатади. Ушбу нуқтаи назардан СЮЕ негизида Covid-19 ўтказиб “клиник соғайган” беморларда муолажалардан олдин ва кейин буйрак ва юрак гемодинамик кўрсаткичларини ўзаро таъсирини, буйрак функционал ҳолатини ўрганиш беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш мазкур муаммога оид илмий тадқиқотларнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, жумладан, юрак қон-томир касалликлари кечишида коморбид ҳолатларни эрта аниқлаш, Covid-19 ўтказган беморларни соғломлаштиришни мувофиқлаштириш ва асоратларни камайтириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

¹Громов А.А., Кручинина М.В., Рабко А.В. Оригинальная статья опубликована на сайте РМЖ (Русский медицинский журнал):2020 – Том 35, №7. – Р.1737-44.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»²ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори ҳамда Covid -19 га чалинган беморларни даволаш ва инфекция тарқалишини олдини олиш борасидаги селектир йиғилишидаги кўрсатмаларни, шунингдек мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳондаги етакчи тиббиёт марказларида олиб борилган кузатувларига кўра COVID-19 айрим беморларда яққол белгиларсиз кечса ҳам аксарият ҳолларда юқори нафас йўллариининг ўткир респиратор инфекцияси белгилари билан намоён бўлади.

Дунёдаги кўп сонли тадқиқотчилар томонидан олиб борилган кузатувлар COVID-19 ёши улуг кишилар ва турли коморбид касалликлари мавжуд бўлган беморларда оғир кечиб кўпроқ ўлимга олиб келиши қайд этилган. Улар орасида унинг юрак қон-томир касалликлари негизида унинг коморбид ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган бўлса ҳам аммо ҳозирга қадар COVID-19 юракнинг турли касалликлари, жумладан сурункали юрак етишмовчилигида (СЮЕ) ва унда буйракдаги ўзгаришларга таъсири тўғрисида яқиний фикрлар айтилмаган [Громов А.А.-2020]. Жараён ривожланиб бориб, беморларнинг бир қисмида зотилжам, ўткир респиратор дистресс синдром, сепсис юзага келиб пировард оқибатда барча аъзоларнинг (полиорган) етишмовчилиги юзага келади [Sardu C, et al.2020].

Этироф этиш керакка замонавий кардиологияда эришилган ютуқларига қарамасдан, СЮЕ оқибатида юзага келадиган ўлим ҳолатлари ҳамон юқори бўлиб қолмоқда. Ушбу хасталик мавжуд беморлар орасида ўлим умумий популяциядаги ўлимлар сонидан 4-8 марта юқори бўлиб, барча беморларнинг ярми ташхис қўйилганидан кейин 5 йил ичида вафот этиши ўтказилган қатор клиник тадқиқотларда ўз тасдиғини топган [Ткаченко Е.И., 2019].

Кўп сонли популяцион ва илмий тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда ишонч билан айтиш мумкинки кардиоренал ўзгаришлар билан юрак қон-томир касалликлари, жумладан СЮЕ ўртасида бевосита мустақкам ўзаро боғлиқлик мавжуд. Бемордаги мавжуд СЮЕ оқибатида қатор ҳолларда СБК

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони.

ривожланади ва улар бир-бирига кучайтирувчи таъсир кўрсатади. Натижада беморларни шифохонага такрор ётишлари ва ўлимлар сони кескин кўпаяди ҳамда молиявий харажатлар ошади [Seferović PM, 2018].

СЮЕ ва СБК бирга келган ҳолларда COVID-19 инфекциясининг кўшилиши беморлар умумий аҳволига кескин салбий таъсир кўрсатади. Чунки буйракларда ангиотензинни айлантирувчи фермент-2 (ACE2) ишлаб чиқарилганлиги сабабли ушбу аъзо COVID-19 таъсирига юқори сезувчан ҳисобланади [Larsen C.P., 2020].

Илк бор эълон қилинган кузатув натижаларида COVID-19 билан оғриган беморларда буйракни ўткир зараланиши 3-9% ҳолларда аниқланган [Cheng Y., Luo R., Wang K., et. al. 2020]. Лекин кейинроқ нашр этилган маълумотларда, COVID-19да буйрак зараланиши кўп ҳолларда учраши келтирилган. COVID-19 билан касалланган 59 та беморлар кузатувида биринчи кунда уларнинг 34%да массив альбуминурия, шифохонада даволаниш жараёнида 63% протеинурия ривожланган. Ўлганларнинг 2/3 қисмининг қонида мочевина кўрсаткичлари юқори бўлган [Li Z., Wu M., Guo J., et. al.2020].

Қатор муаллифлар томонидан буйрак каналчалари тузулмаларида SARS-CoV-2нуклеокапсид оқсили ва подоцитларда вирусга ўхшаш заррачалар электрон микроскоп ёрдамида аниқланган [Diao B., Feng Z., Wang C., 2020]. Ушбу кузатув вирус бевосита буйрак хужайраларига цитопатик таъсир курсатиб унинг ўткир зараланишини келтириб чақаради деб ўйлашга асос бўлади [Batlle D., Soler M.J., 2020]. Юқорида келтирилган COVID-19 чалинган кўп сонли беморларда аниқланган протеинурия ва гематурияни подоцитларда кузатиладиган вируслар репликацияси билан тушунтириш мумкин.

Бинобарин шундай экан COVID-19 билан оғриган СЮЕ мавжуд беморларда буйраклар дисфункциясининг кўшилиши касаллик кечишини кескин оғирлашишига ва тобора авжланиб боришига сабаб бўлади.

Хозирга қадар эълон қилинган кузатувлар СЮЕ негизида ривожланган COVID-19нинг буйракларга таъсирига бағишланган. Лекин инфекцияни ўтказган ва клиник соғайган СЮЕ мавжуд беморлар буйрак ичи томирларида кузатиладиган гемодинамик ўзгаришлар, буйраклар функционал ҳолати ва уларни эндотелиал дисфункция билан боғлиқлик даражаси ҳамда қайд этилган жараёнларга ўтказилган комплекс муолажалар тўғрисидаги маълумотлар биз ўрганган адабиётларда мавжуд эмас. Ушбу ўзгаришларни баҳолаш тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг у бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1500214-сон «Ички касалликлар ташхисоти, профилактикаси ва даволашни такомиллаштиришнинг янги усуллари ишлаб чиқиш» (2019-2021 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали юрак етишмовчилиги негизида COVID-19 ўтказган беморлар буйраклар захираси, унинг гемодинамик

кўрсаткичлари, интерлейкин-6 ва уларга натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип селектив ингибитори-дапаглифлозин (форсига) таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд COVID-19 ўтказган беморларда интерлейкин-6 кўрсаткичларини даволашдан олдин ва кейин ўрганиш;

сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд COVID-19 ўтказган беморларда буйраклар функционал захирасини даволашдан олдин ва кейин қиёсий таққослаш;

сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд COVID-19 ўтказган беморларда юрак ва буйрак гемодинамикасидаги ўзгаришлар ҳамда уларни ўзаро боғлиқлигини даволашдан олдин ва кейин солиштирма баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд COVID-19 ўтказган беморларда даволашдан олдин ва кейин беморлар клиник ҳолати, ҳаёт сифати ҳамда жисмоний юкламага чидамлилиқ кўрсаткичларини солиштирма баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида юрак ишемик касаллиги негизда ривожланган СЮЕ мавжуд II ҳамда III функционал синфидаги 110 нафар COVID-19 ўтказган ва 30 нафар СЮЕ мавжуд COVID-19 ўтказмаган беморлар кузатилди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар веноз қони ва унинг зардоби иммунологик ва биокимёвий таҳлиллар учун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумклиник, асбобий (юрак эхокардиографияси ва буйрак томирлари доплерографияси), биокимёвий (мочевина, креатинин, буйраклар функционал захираси), иммунологик (интерлейкин-6) ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

СЮЕ негизда COVID-19 ўтказган беморлар юрак ичи ва буйраклар гемодинамикаси орасидаги боғлиқлиги ҳамда уларга натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип селектив ингибитори-дапаглифлозин (форсига) ижобий таъсири баҳоланган;

илк бор СЮЕ негизда COVID-19 ўтказган беморларнинг буйрак функционал захирасига натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип селектив ингибитори-дапаглифлозин (форсига)нинг ижобий таъсири аниқланган;

натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип селектив ингибитори-дапаглифлозин (форсига)ни СЮЕ негизда COVID-19 ўтказган беморлар ҳаёт сифати, клиник ҳолати ва жисмоний юкламаларга чидамлигига ижобий таъсири исботланган, қон зардобидаги интерлейкин-6 кўрсаткичларига барқарорловчи таъсири кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

СЮЕ негизда ривожланган COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда юрак гемодинамикаси билан буйрак қон томирларини турли сегментларида гемодинамик кўрсаткичларни ўрганиш, буйракдаги ўзгаришларни эрта аниқлаш имкониятини яратиши исботланган.

СЮЕ негизда ривожланган COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларда буйрак гемодинамикасини унинг функционал захираси билан

биргаликда солиштирма ўрганиш, ушбу аъзодаги тубулоинтерстициал жараёнларни қонсиз усул ёрдамида баҳолаш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, замонавий статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки СЮЕ негизида COVID-19 ўтказган беморлар юрак ва буйрак ичи томирларидаги гемодинамик ўзгаришларни ҳамда буйрак функционал захирасини параллел баҳолаш ўтказиладига муолажаларни самарасини динамикада кўзатиб бориш имкониятини яратган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки олинган натижалар асосида шаклланган тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши СЮЕ негизида COVID-19 ўтказган беморларда буйрак функционал ҳолатини эрта ва монанд барқарорлаштиришга олиб келиши билан ифодаланган. Бу натижалардан фойдаланиб, шифохонага қайта ётиш ва содир бўлиши мумкин бўлган ўлим ҳолатларини олдини олиш, шунингдек, беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилигини ошишига, ҳаёт давомийлигини ўзайишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали юрак етишмовчилигида COVID-19 ўтказган беморлар буйраклари функционал захираси ҳамда интерлейкин-6 ва гемодинамика кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

Сурункали юрак етишмовчилиги негизида COVID-19 ўтказган беморлар юрак ва буйраklar гемодинамикасини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “Сурункали юрак етишмовчилиги негизида COVID-19 ўтказган беморлар юрак ва буйраklar гемодинамикасидаги параллел ўзгаришлар” услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 28 октябрдаги 8н-з/386-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома СЮЕ негизида COVID-19 ўтказган беморлар юраги ва буйраklарида кузатиладиган гемодинамик ўзгаришлар ўзаро боғлиқликда баҳоланган ҳамда натрий-глюкоза ко-транспортери 2 тип селектив ингибитори-дапаглифлозин (форсига) ёрдамида самарали даволаш имконини берган;

СЮЕ COVID-19 ўтказган беморлар буйраklари функционал захираси ҳамда интерлейкин-6 ва гемодинамика кўрсаткичларини баҳолаш бўйича олинган тадқиқот натижалари Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси кардиология ва кардиореабилитация бўлимларида, Самарқанд вилояти кўп тармоқли шифохонаси функционал диагностика бўлимида соғлиқни сақлаш амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 ноябрдаги 08-09/17920-сон маълумотномаси).

Тадбиқ қилинган натижалар касаллик кечиши эҳтимоллигини аниқлаш, беморларни шифохонада даволаниш кунларини қисқаришига ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 112 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, унинг объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологияларининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий текшириш натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги ва у мавжуд Covid-19 ўтказган беморларда буйраклар зарарланишининг ўзига хослиги**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар таҳлили келтирилган. Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Сурункали юрак етишмовчилиги COVID 19 ўтказган беморларни даволашда эришилган ютуқлар ва замонавий қарашлар акс эттирилган. Унда яллиғланиш ва буйрак фиброз маркерлари динамикада ўзгаришининг асосий омиллари, ривожланиш механизмлари ҳамда сабаблари бўйича замонавий қарашлар таҳлили ўтказилган. Бу бобда адабиётлар маълумоти умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Материал ва усуллар**» деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот усуллари ҳамда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқодга ЮИК ва ГК негизида ривожланган СЮЕ мавжуд COVID-19 ўтказган 110 нафар беморлар жалб этилди. Улар икки: СЮЕ мавжуд COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган гуруҳларга ажратилди. Биринчи гуруҳ ўз навбатида қуйидаги иккита кичик гуруҳларга бўлинди. А - СЮЕ мавжуд COVID-19 ўтказган ҳамданатрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип селектив ингибитори дапаглифозин (форсига) қабул қилган 40 нафар беморлардан иборат бўлиб, уларнинг ўртача ёши $63,2 \pm 1,2$ йилга тенг эди. Уларнинг 16

(40%) эркаклар ва 24 (60%) аёллар ни ташкил этди. Ушбугурухдаги беморларнинг 18 (45%) нафарида СЮЕ II ФС, 22 (55%) нафарида касалликнинг III ФС аниқланди.

Б гуруҳни СЮЕ мавжуд COVID-19 ўтказган ҳамда стандарт муолажалар [ангиотензинни айлантирувчи фермент ингибиторлари (ААФи) ёки ангиотензин рецепторлари антогонистлари (АРА), β -блокаторлар, менералокортикоид рецепторлари антогонистлари (МКРА)] қабул қилган 40 нафар беморлардан иборат бўлиб, уларнинг ўртача ёши $64,1 \pm 1,2$ йилга тенг эди. Уларнинг 24 (40%) эркаклар ва 16 (40%) аёллар ни ташкил этди. Ушбугурухдаги беморларнинг 19 (47,5%) нафарида СЮЕ II ФС, 21 (52,5%) нафарида касалликнинг III ФС аниқланди.

Назорат гуруҳини эса 30 нафар СЮЕ мавжуд COVID-19 ўтказмаган ва касалликнинг стандарт муолажаларини қабул қилган беморлар ташкил этдилар. Уларнинг ўртача ёши $61,8 \pm 1,2$ йилга, 16 (53,33%) эркаклар ва 14 (46,67%) аёллар ни ташкил этди. Ушбугурухдаги беморларнинг 14 (46,67%) нафарида СЮЕ II ФС, 16 (53,33%) нафарида касалликнинг III ФС аниқланди.

Кузатувга олинган беморларда СЮЕ ташхиси ва унинг ФСлари уларнинг шикоятлари, касаллик тарихини ўрганиш, объектив кўрик ва лаборатор – асбобий текширувларга мувофиқ 2016 йилда Европа кардиологлар уюшмаси томонидан янгиланган “Ўткир ва сурункали юрак етишмовчилигини ташхислаш ва даволаш бўйича тавсиялар” ҳамда Нью-Йорк кардиологлар жамияти (New– York Heart Association, 1964) мезонларига кўра аниқланди.

Шунингдек, асосий гуруҳдаги беморларда COVID-19 ўтказганлигини тасдиқловчи (касаллик тарихидан кўчирма, МСКТ хулосалари, IgG мавжудлиги) хужжатларга асосланildi.

СЮЕ мавжуд COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган барча беморларда яллиғланиш олди цитокини - ИЛ-6 микдорий кўрсаткичи, буйрак ва юрак гемодинамикаси, буйраклар функционал захираси аниқланди.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2013) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ($M \pm m$) ҳисобланилди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончлилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончлилиқ жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги негизида COVID-19 ўтказган беморларнинг клиник лаборатор кўрсаткичларини даволашдан олдин ва кейин баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотга жалб қилинган беморларни асосий клиник шикоятларини гуруҳлар ўртасида солиштирма таҳлили ўтказилди.

Бунда СЮЕ нинг асосий шикоятларидан бири хансираш бўлиб, бизнинг тадқиқотимизга жалб этилган барча беморларда дастлаб ушбу шикоят борлиги аниқланиб, у гуруҳларда фарқланмади. Тахикардия ва юрак уриб кетиши А гуруҳдаги беморларда Б гуруҳга нисбатан мос равишда (87,5 га

қарши 91,5%) 4% ва (69,6 га қарши 74,4%) 4,8%, назорат гуруҳга нисбатан мос равишда (44,2 га қарши 91,5, $p < 0,001$) 47,3% ва (38,9 га қарши 74,4%, $p < 0,01$) 35,5% кўп учради. Тез чарчаш ва шиш синдроми гуруҳларда мос равишда 79,7; 75 ва 37,9% ($p < 0,01$) ҳамда 35,6; 23,2 ва 17,9 % ($p < 0,05$) учраб, ушбу шикоятлар А ва Б гуруҳдаги беморларда яққол намоён бўлди. Шунингдек, А ва Б гуруҳдаги беморларда йўтал, бўйин веналарини шиши ва ўпканинг пастки бўлақларидаги жарангсиз нам хириллашлар мос равишда А гуруҳда 2,4 ($p < 0,01$), 1,8 ва 2,4 ($p < 0,001$), Б гуруҳда 5,4; 3,8 ва 4,8 баробар ($p < 0,001$) назорат гуруҳи беморларга нисбатан кўп учраши қайд этилди. Кардиомегалия А гуруҳдаги барча беморларда, Б гуруҳда 76,7% ($p < 0,001$) ва назорат гуруҳда 7,4% ($p < 0,001$) ҳолатда учради. Гепатомегалия бўйича гуруҳларда сезиларли фарқ аниқланмади.

3 ой проспектив кузатувдаги СЮЕ негизида COVID -19 ўтказган ва “клиник соғайган” беморлар стандарт даво негизида натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип селектив ингибитори-дапаглифлозин (форсига) препаратини олган А гуруҳ ва фақат стандарт даво буюрилган Б гуруҳ беморларида ҳамда СЮЕ мавжуд COVID-19 ўтказмаган касалликни стандарт давосини қабул қилган назорат гуруҳи беморларда касаллик клиник белгиларини авж олиши кузатилмаган ёки илгари мавжуд бўлган шикоятларни камайганлиги бўйича қиёсий таҳлил натижалар қуйидагича бўлди.

А ва Б гуруҳдаги беморларнинг клиник - функционал ҳолати динамикаси таҳлил қилинганда, СЮЕ мавжуд беморларда энг кўп учрайдиган шикоятлардан бири бўлган хансираш уч ой проспектив кузатувда бўлган А гуруҳдаги беморларда Б гуруҳга нисбатан (17,4 % га қарши 30,5%, $p < 0,05$) 1,8 баробар, тахикардия (3,1% га қарши 31,2%, $p < 0,01$) 10,0 баробар, тез чарчаш (1,5% га қарши 27,%, $p < 0,05$) 18 баробарга ишонарли камайган. А гуруҳда аксинча, юрак уриб кетиши 74,4 % дан 26,3% га камайган бўлса, Б гуруҳда ушбу шикоят 68,1% дан 69,6 % га ошган. СЮЕ нинг патогенезида муҳим ҳисобланган ренин-ангиотензин-альдостерон (РАА) ва иммун яллиғланиш тизимининг сурункали фаоллашиши ҳисобига организмда ортикча суюқликнинг ушланиб қолиши (шиш) А гуруҳда 35,6% дан 23,2% га камайган бўлса, уч ой давомида патогенетик даволанишга қарамасдан Б гуруҳда 49,3% ўрнига 52,2 % беморларда шиш қайд этилди. Динамикада А гуруҳда йўтал (14,4% дан 2,1% га), бўйин веналари шиши (12,6% дан 2,1% га), ўпкада нам хириллаш (21,6% дан 6,4% га) каби шикоятлар камайган бўлса, Б гуруҳда худди шундай шикоятлар, жумладан йўтал (32,4% дан 43,5% га), ўпкада нам хириллаш (43,2% дан 43,5% га) кўпроқ беморларда қайд этилган, лекин бўйин венлари шиши динамикада ўзгармаган. Юқоридагиларга монанд 3 ой патогенетик даво негизида назорат гуруҳдаги беморларда юқоридаги барча белгилар натижалари ижобий томонга ўзгарганлиги қайд этилди.

Шунингдек лаборатор таҳлиллар даволашдан олдин ва кейинги динамик ўзгаришларни қиёсий ўрганганимизда, умумий қон таҳлилида А ва Б гуруҳ беморларда енгил даражадаги камқонлик аниқланди ва юқори ЭҚТ қайд этилди. Пешоб таҳлилида ҳар учала гуруҳ беморларда енгил протеинурия

кузатилган бўлса ҳам А ва Б яъни COVID-19 ўтказган гуруҳда кўрсаткичлар назорат гуруҳига нисбатан ишончли юқори бўлди.

Шунингдек, СЮЕ негизида COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган гуруҳлар ўртасидаги беморларда қон зардобидаги ИЛ-6 кўрсаткичларини солиштирма ўрганилганда, А гуруҳдаги беморларда назорат гуруҳига нисбатан ИЛ-6 миқдори ФС лар буйича мос равишда 37,3 ва 37,7 % ($P < 0,001$) га, Б гуруҳдаги беморларда эса унинг миқдори 36,6 ва 34,7 % ($P < 0,001$) га ошганлиги кузатилди.

Кузатувдаги беморларда статистик аҳамиятли даражада миқдорий кўрсаткичи юқори бўлган яллиғланиш олди цитокини ИЛ-6 билан коптокчалар фильтрацияси тезлиги (КФТ) ўртасида асосий гуруҳ беморларида мос равишда ўртача манфий ($r = -0,24$, $P < 0,05$) ва ($r = -0,30$, $P < 0,001$), боғлиқлик аниқланди. Шунингдек, гуруҳлар ўртасида ИЛ-6 билан қон зардобидаги креатинин кўрсаткичи ўртасида боғлиқлик ўрганилганда А гуруҳдагиларда хар иккала ФС да мос равишда ($r = 0,37$, $P < 0,05$) ва ($r = 0,37$, $P < 0,05$) ҳамда Б гуруҳда мос равишда ўртача мусбат ($r = 0,37$, $P < 0,05$) ва ($r = 0,37$, $P < 0,05$) боғлиқлик қайд этилди. Назорат гуруҳида эса ушбу кўрсаткичлар буйича статистик даражадаги ишончли боғлиқлик ($r = 0,07$, $p > 0,05$) кузатилмади. Динамикада олинган натижалар А гуруҳ, яъни стандарт даво негизида форсига қабул қилганларда ИЛ-6 муолажалардан кейин ишончли камайганлиги тасдиқланди. Б гуруҳда эса ушбу яллиғланиш цитокинининг пасайишга мойиллиги кузатилган бўлса ҳам лекин динамикада ўзгаришлар ишончли бўлмади. Назорат яъни СЮЕнинг стандарт муолажаларини қабул қилган COVID-19 ўтказмаган гуруҳда ИЛ-6 кўрсаткичларининг ишончли камайиши қайд этилди.

Шунингдек, тадқиқотга жалб қилинган беморларда буйраклар функционал захираси (БФЗ) даволашдан олдин ва ўтказилган муолажалардан кейинги самарадорлиги креатинин кўрсаткичларига асосланган ҳолда КФТ таққослаббаҳоланди.

СЮЕ мавжуд COVID-19 ўтказмаган ҳамда стандарт муолажаларқабул қилган назорат гуруҳи беморларда БФЗ муолажалардан олдин $5,1 \pm 0,4$ % ташкил этган бўлса ундан кейин $6,6 \pm 0,3$ % га кўтарилгани қайд этилди.

Асосий яъни А гуруҳда СЮЕнинг стандарт давоси билан бирга натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип селектив ингибитори-дапаглифлозин (форсига) қабул қилган беморларда муолажалардан кейин БФЗ 1,6 мартага ($p < 0,01$) ошганлиги аниқланди. Б гуруҳ, яъни натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип селектив ингибитори - дапаглифлозин (форсига) қабул қилмаган факат стандарт муолажалар ўтказилган СЮЕда БФЗ кўрсаткичлари 1,1 баробарга ($p > 0,05$), назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич 1,3 ($p > 0,05$) га тенг бўлди. Демак тахлиллар А гуруҳда БФЗ 4,4% бўлиб захира йўқлиги аниқланган бўлса, форсига қўшиб ўтказилган комплекс муолажалардан сўнг бу кўрсаткич 6,4% ошиб, захира пайдо бўлганлигини кўрсатди. Б гуруҳда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 2,8% дан 3,3% га ошганлиги кузатилсада, БФЗ йўқлиги тасдиқланди. Назорат гуруҳида эса муолажаларгача 5,1% ва ундан кейин 6,6% га ошганлиги аниқланди. Бу ушбу гуруҳ беморларда БФЗ пасайган эканлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Сурункали юрак етишмовчилиги негизда COVID-19 ўтказган беморларда юрак ва буйрак гемодинамикасидаги ўзгаришлар ҳамда уларни ўзаро боғлиқлигини даволашдан олдин ва кейин солиштирма баҳолаш» деб номланган сурункали юрак етишмовчилиги негизда COVID-19 ўтказган ва клиник соғайган беморларнинг юрак ичи гемодинамикаси ўзгаришлари муолажалардан олдинги ва кейинги кўрсаткичлари солиштирма таҳлил қилинди. Ушбу таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тадқиқотга жалб қилинган гуруҳларнинг даволашдан олдинги эхокардиография кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	А гуруҳ (форсига қабул қилган) (n=40)	Б гуруҳ (форсига қабул қилмаган) (n=40)	Назорат гуруҳи (n=30)
ЧҚ ССЎ, см	5,4±0,1***	5,5±0,1***	4,9±0,1
ЧҚ СДЎ, см	6,6±0,1***	6,7±0,1***	6,2±0,1
ЧҚ СДХ, мл	218,5±5,9**	210,9±4,8*	186,8±11,2
ЧҚ ССХ, мл	139,05±4,7**	146,9±5,0***	112,0±8,6
ЧҚ ҚОФ, %	36,5±0,3***	35,9±0,4***	42,9±0,3
Трансмитрал оқим кўрсаткичлари			
Е, м/с	0,47±0,02	0,46±0,02	0,51±0,05
А, м/с	0,71±0,6	0,74±0,6	0,69±0,02
Е/А	0,66±0,04	0,62±0,04	0,73±0,04

Изох: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*- P < 0,05, ** - P < 0,01, *** - P < 0,001)

ЧҚ ССЎ- чап қоринчани сўнги систолик ўлчами; ЧҚ СДЎ- чап қоринчани сўнги диастолик ўлчами; ЧҚ СДХ- чап қоринчани сўнги диастолик ҳажми; ЧҚ ССХ- чап қоринчани сўнги систолик ҳажми; ЧҚ ҚОФ- чап қоринчани қон отиш фракцияси; Е-чап қоринчанинг эрта диастолик тўлиши; А-чап қоринчанинг кечки диастолик тўлиши; Е/А-чап қоринчани тўлиш нисбати (жадвалларда ва матнда)

Ўтказилган эхокардиография текширувлари СЮЕ негизда COVID-19 ўтказган ва клиник соғайган А гуруҳда ЧҚ СДЎ ўртача миқдори 6,6±0,1 см, ЧҚ ССЎ - 5,4±0,1 см, ЧҚ ҚОФ 36,5±0,3 %, СДХ 218,5±5,9 мл, ССХ 139,05±4,7 мл ни ташкил этди.

СЮЕ негизда COVID-19 ўтказган ва клиник соғайган Б гуруҳда ЧҚ СДЎ ўртача миқдори 6,7±0,09 см, ЧҚ ССЎ 5,5±0,1 см, ЧҚ ҚОФ 35,9±0,4%, СДХ 210,9±4,8 мл, ССХ 146,9±5,0 мл ни ташкил этди.

Назорат гуруҳини яъни СЮЕ мавжуд COVID-19 ўтказмаганларда ЧҚ СДЎ ўртача миқдори 6,2±0,1 см, ЧҚ ССЎ 4,9±0,1 см, ЧҚ ҚОФ 42,9±0,3%, СДХ 186,8±11,2 мл, ССХ 112,0±8,6 мл. эканлиги қайд этилди.

Кузатувдаги беморларда юракнинг ремоделланиш кўрсаткичлари ўзаро солиштирма таҳлил қилинди. Унда А гуруҳ беморларининг 20 нафарида ЧҚнинг эксцентрик гипертрофияси (ЭГ), 14 нафарида концентрик гипертрофия (КГ) ва 6 нафарида концентрик ремоделланиш (КР) қайд этилиб, ушбу гуруҳда ЧҚҚОФ назорат гуруҳга нисбатан (42,9 га қарши 36,5%, p < 0,001) 6,4% га камлиги маълум бўлди. Б гуруҳдаги беморларнинг 21 нафарида ЧҚнинг ЭГ, 15 нафарида КГ ва 4 нафарида КР аниқланди. Назорат гуруҳдаги беморларнинг 18 нафарида КГ, 4 нафарида КР ва 8 нафарида ЭГ кузатилди. Хар учала гуруҳдаги беморларда

миокарднинг патологик ремоделланиши кўрсаткичларини меъёрий кўрсаткичлардан статистик ишонарли даражада оғиши қайд этилди.

Ўтказилган муолажалардан сўнг, динамикада 3 ойдан сўнг беморлар юрак ичи гемодинамикаси қайта баҳоланганда кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгарганлиги тасдиқланди. Даволашдан кейинги гемодинамик кўрсаткичлар 2-жадвалга келтирилган.


2-жадвал

Тадқиқотга жалб қилинган гуруҳларнинг даволашдан кейинги эхокардиография кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	А гуруҳ (форсига қабул қилган) (n=40)	Б гуруҳ (форсига қабул қилмаган) (n=40)	Назорат гуруҳи (n=30)
ЧҚ ССЎ, см	4,7±0,1***	5,2±0,1*	4,6±0,2*
ЧҚ СДЎ, см	6,1±0,1**	6,3±0,08**	5,9±0,1*
ЧҚ СДХ, мл	190,4±9,0*	194,4±4,9*	179,6±11,2
ЧҚ ССХ, мл	104,4±5,6***	134,8±5,1	104,7±8,5
ЧҚОФ, %	44,5±1,2***	39,0±1,04	46,9±1,3*
Трансмитрал оқим кўрсаткичлари			
Е, м/с	0,55±0,03*	0,47±0,02	0,56±0,03
А, м/с	0,64±0,02	0,70±0,04	0,65±0,02
Е/А	0,85±0,04***	0,65±0,05	0,86±0,06

Изоҳ: * - фарқлар даволашдан олдинги кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P < 0,05, ** - P < 0,01, *** - P < 0,001)

СЮЕ мажуд COVID 19 ўтказмаган назорат гуруҳида чап қоринча тўлишининг нормал типи 5 (16,6%) нафар беморда, гипертрофик тип – 24 (80%) нафар, псевдонормал тип – 1 (3,4%) нафар беморларда кузатилди. А гуруҳда псевдонормал тип 7 (17,5%), гипертрофик тип 31 (77,5%), нормал тип эса 2 нафар (5%) беморларда аниқланди. Б гуруҳда эса псевдонормал тип 6 (15%) нафар, гипертрофик тип 30 (70%), нормал тип эса 4 (10%) нафар беморларда қайд этилди (1-расм).



1-расм. Кузатувдаги гуруҳларда чап қоринча диастолик дисфункцияси типларини учраш динамикаси.

Даволаш негизида ушбу кўрсаткичлар назорат гуруҳида ва А гуруҳ беморларида яққол ижобий томонга силжиган бўлсада, Б гуруҳ беморларда ишончли ўзгаришлар кузатилмади

Буйрак ичи гемодинамикасидаги ўзгаришларни баҳолаш учун буйракларнинг асосий, сегментар ва бўлақлараро артериясида гемодинамик ўзгаришлар ўрганилди.

Тадқиқотимизнинг ушбу босқичида барча гуруҳдаги беморларда даволашдан олдин буйраклардаги гемодинамик ўзгаришлар доплерография ёрдамида баҳоланди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

3- жадвал

Даволашдан олдин А ва Б ҳамда назорат гуруҳидаги беморлар буйрак ичи артерияларида қон айланиш тезлиги кўрсаткичлари

Қон айланиш кўрсаткичлари	Референс кўрсаткичлар	А гуруҳ n=40(форсига қабул қилган)	Б гуруҳ n=40 (форсига қабул қилмаган)	Назорат n=30
<i>Асосий буйрак артерияси</i>				
D (mm)	4.5±1.2	4,4±0,01	4,5±0,44	4,5±0,2
Vps (sm/s)	95±5	65,05±0,23***	64,95±0,45***	85.6±4,3
Ved (sm/s)	30±4	19,05±0,26**	18,95±0,44**	24,3±3,8
RI	0.68±0.05	0,70±0,02	0,71±0,04	0,69±0,06
PI	1.25±0.05	1,28±0,02	1,29±0,02	1,11±0,03
<i>Сегментар артерия</i>				
D (mm)	3,5±1,2	3,5±0,26	3,4±0,35	3,4±0,2
Vps (sm/s)	85±5.0	54,3±0,19***	53,2±0,38***	74,2±3,1
Ved (sm/s)	20±4	17,1±0,18	16,5±0,36	22,1±2,9
RI	0.61±0.05	0,68±0,02	0,69±0,04	0,67±0,06
PI	1.09±0.20	1,22±0,03	1,27±0,01	1,02±0,02
<i>Бўлақлараро артерия</i>				
D (mm)	2.5	2,6±0,18	2,5±0,24	2,5±0,16
Vps (sm/s)	75 ± 5	44,2±0,12***	43,1±0,26***	62,1±2,3*
Ved (sm/s)	10±4	12,3±0,14	13,4±0,22	18,1±1,4
RI	1.01±0.20	0,62±0,02	0,61±0,04	0,58±0,06*
PI	0.95±0.15	1,09±0,02	1,11±0,03	0,87±0,01

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001) RI- резистентлик индекси, PI-пульс индекси,Ved- сўнги диастолик тезлик, D-диаметр,Vps- сўнги диастолик тезлик (жадвалларда ва матнда)

3-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, назорат гуруҳидаги беморларда барча буйрак артерияларида қон айланиш тезлиги юқори меъёрий чегара орасида эканлигини аниқланди, А ва Б гуруҳ буйрак артерияларида қон айланиш тезлиги меъёрий кўрсаткичлардан сезиларли пасайганлигини ва томир қаршилиги эса ортганлиги қайд этилди. Ушбу ҳолатнинг асосий сабаби қилиб, СЮЕ чап қоринча қон отиб бериш фракциясини пасайиши ҳисобига буйракларда юзага келган димланиш жараёни ортиши ва томирлар қаршилигининг кучайиши ҳисобланади. Ушбу ўзгаришларни инобатга олиб, СЮЕ негизида COVID 19 ўтказган ва клиник соғайган А гуруҳдаги беморларга стандарт даво билан биргаликда форсигабуюрилган ва Б гуруҳдаги

фақат стандарт даво олган беморларда ўтказилган муолажаларни самарадорлигини баҳолаш мақсадида, СЮЕ мавжуд COVID 19 ўтказмаган назорат гуруҳи беморларга нисбатан буйрак артериялари қон айланиш тезлиги, томирлар қаршилигидаги ўзгаришлар динамикаси ўрганилди (4-жадвал).

4- жадвал

Даводан кейинги А ва Б ҳамда назорат гуруҳидаги беморлар буйрак ичи артерияларида қон айланиш тезлиги кўрсаткичлари

Қон айланиш кўрсаткичлари	А гуруҳ n=40 (форсига қабул қилган)	Б гуруҳ n=40 (форсига қабул қилмаган)	Назорат n=30
<i>Асосий буйрак артерияси</i>			
D (mm)	4,48±0,01	4,51±0,38	4,52±0,18
Vps (sm/s)	85,05±0,42***	70,95±0,45***	92,2±4,1
Ved (sm/s)	27,0±0,27***	21,2±0,42*	28,3±3,6
RI	0,68±0,01	0,70±0,03	0,67±0,04
PI	1,26±0,02	1,28±0,02	1,09±0,03
<i>Сегментар артерия</i>			
D (mm)	3,4±0,22	3,4±0,12	3,4±0,1
Vps (sm/s)	72,1±0,12***	63,1±0,22***	84,2±1,2***
Ved (sm/s)	27,1±0,12***	19,2±0,24**	26,1±1,8
RI	0,62±0,02	0,67±0,04	0,64±0,04
PI	1,12±0,03	1,22±0,01	0,9±0,02
<i>Бўлақлараро артерия</i>			
D (mm)	2,5±0,12	2,5±0,22	2,4±0,12
Vps (sm/s)	34,2±0,11***	40,1±0,26***	50,1±2,3***
Ved (sm/s)	10,3±0,11***	12,4±0,12	16,1±1,2
RI	0,96±0,01	0,66±0,02	0,88±0,06
PI	1,22±0,02	1,14±0,03	1,08±0,01


Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

Ўтказилган муолажалардан сўнг буйрак артерияларидаги гемодинамик кўрсаткичлар гуруҳлар ўртасида даводан олдинги кўрсаткичларга нисбатан ижобий томонга силжиганлиги кўзатилади. Ушбу ўзгаришлар натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип селектив ингибитори-дапаглифлозин (форсига) қабул қилган А гуруҳ беморларида ва назорат гуруҳи беморларида ишончли ижобий томонга ўзгарди. Б гуруҳда эса ўзгаришлар статистик даражада ижобий бўлмади (4-жадвал).

Олинган натижалар буйрак гемодинамикасидаги ўзгаришлар А гуруҳда яққолроқ намоён бўлишини ва улар юрак ичи гемодинамикаси билан ҳамоханг кечишини тасдиқлайди. Шу билан бир қаторда натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип селектив ингибитори-дапаглифлозин (форсига) қабул қилган А гуруҳда буйрак ичи гемодинамик кўрсаткичлари қолган гуруҳларга қараганда юқори ишончли ижобий эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Сурункали юрак етишмовчилиги негизида COVID-19 ўтказган беморларнинг даволашдан олдинги ва кейинги жисмоний юкламага чидамлилиги, клиник ҳолати ҳамда ҳаёт сифати

кўрсаткичларини солиштирма баҳолаш»деб номланган 5- бобида тадқиқотга жалб қилинган беморларни даволашдан олдин ва кейинги клиник ҳолати, ҳаёт сифати ҳамда жисмоний юкламаларга чидамлилиқ кўрсаткичлари баҳоланди. Тадқиқотдаги беморларнинг жисмоний юкламага чидамлилиқ кўрсаткичи 6 ДЮС натижаларига асосланиб аниқланди. Дастлабки ҳолат бўйича натижалар назорат гуруҳидаги II ФС беморларда ушбу кўрсаткич $346,8 \pm 11,46$ метрга тенг бўлди. А ва Б гуруҳдаги СЮЕ негизида COVID-19 ўтказган II ФС беморларида мос равишда $328,6 \pm 12,54$ ва $334,6 \pm 13,54$ метрни ташкил этди. Асосий А ва Б гуруҳдаги беморларда жисмоний юкламага чидамлилиқ назорат гуруҳи беморлар натижаларига нисбатан мос равишда 5,3% ($P < 0,01$) ва 4,2% ($P < 0,01$) пасайганлиги аниқланди. Дастлабки ҳолат бўйича А ва Б гуруҳдаги беморларда 6 ДЮС масофасининг ўртача кўрсаткичларида фарқ аниқланмади ($P > 0,05$).



2-расм. Даволашдан олдин кузатувдаги асосий ва назорат гуруҳидаги беморларни 6 ДЮС ўртача кўрсаткичи (метрларда)

Нazorат гуруҳи III ФС да 6 ДЮС ўртача кўрсаткичи $192,6 \pm 10,54$ метрга тенглиги кайд этилди. А ва Б гуруҳларнинг III ФС беморларида ушбу кўрсаткич 7,4% ($P < 0,05$) ва 6,7% ($P < 0,05$) пасайган бўлиб, мос равишда $176,8 \pm 12,34$ ва $179,2 \pm 12,34$ метрни ташкил этди (2-расм).

5- жадвал

Сурункали юрак етишмовчилиги негизида COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган беморларнинг 6 дақиқалиқ юриш синамасининг даволашдан олдинги ва кейинги динамикаси (метрларда).

Гуруҳлар	Даволаш даврлари	ФС II	ФС III
А гуруҳ (n=40)	Олдин	$328,6 \pm 12,54$	$176,8 \pm 12,34$
	Кейин	$398,6 \pm 10,6^{***}$	$284,8 \pm 11,4^{***}$
Б гуруҳ (n=35)	Олдин	$334,6 \pm 13,54$	$179,2 \pm 12,34$
	Кейин	$358,2 \pm 11,5^*$	$218,9 \pm 14,4^*$
Нazorат гуруҳи (n=40)	Олдин	$346,8 \pm 11,46$	$192,6 \pm 10,54$
	Кейин	$402,4 \pm 13,3^{***}$	$292,2 \pm 12,6^{***}$

Изоҳ: * - фарқлар даволаш олдинги кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$).

Тахлил назорат гуруҳи беморларида А ва Б гуруҳларга нисбатан 6 ДЮС масофаси ўртасида ишонarli фарқ аниқланганлигини тасдиқлади ($P < 0,001$). Шунингдек, ушбу кўрсаткичлар натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип ингибитори дапаглифлозин (форсига) қабул қилган А гуруҳда муолажалардан кейин Б гуруҳга нисбатан ишончли юқори бўлди (6-жадвал).

Динамикада ўтказилган муолажалардан кейин СЮЕ негизда COVID-19 ўтказган ва ўтказмаган беморлар клиник ҳолати ўрганилганда, назорат гуруҳи II ФС беморларида клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) $5,8 \pm 0,3$ дан $3,1 \pm 0,2$ баллга, III ФС беморларида $8,2 \pm 0,3$ дан $4,8 \pm 0,2$ баллга пасайганлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича А гуруҳдаги II ФС беморларида $6,2 \pm 0,2$ дан $3,1 \pm 0,4$ баллга, III ФС беморларида $8,6 \pm 0,3$ дан $5,1 \pm 0,2$ баллга камайди. Б гуруҳдаги беморларда эса иккала функционал синфлар бўйича КХБШ баллари кўрсаткичлари ишончли ўзгармади.

Буюрилган даво муолажаларидан кейин ҳаёт сифати кўрсаткичи назорат гуруҳи II ФС беморларда $36,2 \pm 0,7$ дан $27,3 \pm 1,3$ баллга, III ФС беморларда $49,8 \pm 1,7$ дан $30,2 \pm 1,6$ баллга ($p < 0,001$) тенг бўлди. А гуруҳда II ФС беморларда $39,7 \pm 1,1$ дан $26,8 \pm 0,4$ баллга, III ФС беморларда $56,3 \pm 1,1$ дан $34,6 \pm 1,7$ баллга ишонarli камайди ($p < 0,05$). Б гуруҳдаги II ФС ли беморларда $34,8 \pm 1,7$ дан $33,2 \pm 0,7$ баллга, III ФС ли беморларда $54,2 \pm 1,5$ дан $46,2 \pm 1,6$ баллга ишонarli пасайди ($p < 0,05$).

ХУЛОСАЛАР

«Сурункали юрак етишмовчилигида Covid-19 ўтказган беморлар буйрақлари функционал захираси ҳамда интерлейкин-6 ва гемодинамика кўрсаткичларини баҳолаш» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилга татқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. СЮЕ негизда COVID-19 ўтказган натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип селектив ингибитори дапаглифлозин (форсига) қабул қилган А яъни биринчи гуруҳдаги беморлар II ФС да қонда интерлейкин-6 кўрсаткичи $2,8$ ($p < 0,001$) га, III ФС да эса $2,5$ баробарга ($p < 0,001$) ишончли ижобий ўзгарди ($P < 0,001$). Б гуруҳда эса бу кўрсаткичлар II ФС да $25,4$ дан $18,7$ нг/мл ($p < 0,05$), III ФС да $27,3$ дан $21,8$ нг/мл ($P > 0,05$) га камайди. Стандарт даво негизда форсига қабул қилган А гуруҳ беморларда, Б гуруҳ ва назорат гуруҳларига нисбатан ишончли ($p < 0,001$) камайганлиги тасдиқланди. Бу форсиганинг яллиғланишга қарши таъсири билан изоҳланади;

2. Буйрақлар функционал захираси А гуруҳда $2,9 \pm 0,3$ % дан $8,1 \pm 0,2$ % бўлиб юқори ишончли ($p < 0,001$) ошди. Б гуруҳда $4,4 \pm 0,1$ % ва $3,3 \pm 0,2$ % га камайди. Назорат гуруҳида эса $6,7 \pm 0,4$ % дан $7,1 \pm 0,3$ % га ошганлиги қайд этилди. Кўрсаткичлар асосий А гуруҳда $2,8$ баробарга ошди, Б гуруҳда $1,3$ марта камайди, назорат гуруҳида эса $1,1$ баробарга ошди. Бу натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип ингибиторларининг нефропротектив, хусусан буйрак коптокчаларида босимни камайтириши билан боғлиқ; Чап қоринча қон отиш фраксияси муолажаларгача А, Б ва назорат гуруҳларида мос равишда $36,5 \pm$

1.1%, $35.9 \pm 1.2\%$ ва $42.9 \pm 1.2\%$ бўлиб, муолажалардан кейин бу кўрсаткичлар мос равишда $44.5 \pm 1.2\%$, $39.0 \pm 1.04\%$ ва $4.9 \pm 1.3\%$ га тенг бўлди. Бунда ишончли ижобий ўзгариш форсига қабул қилган А гуруҳда кузатилди.

3. Чап қоринча қон отиш фраксияси муолажаларгача А, Б ва назорат гуруҳларида мос равишда $36,5 \pm 1,1\%$, $35,9 \pm 1,2\%$ ва $42,9 \pm 1,2\%$ тенг бўлган бўлса, муолажалардан кейин бу кўрсаткичлар мос равишда $44,5 \pm 1,2\%$, $39,0 \pm 1,04\%$ ва $4,9 \pm 1,3\%$ га тенг бўлди. Бунда ишончли ижобий ўзгариш форсига қабул қилган А гуруҳда кузатилди ва бу препаратни юракдан олдинги ва кейинги юкламаларга ижобий таъсир этишини тасдиқлайди; А гуруҳ беморларда олти дақиқали юриш синамаси масофаси даволашгача СЮЕ II ва III ФС ларида мос равишда 328.6 ± 12.5 метр ва 176.8 ± 12.3 метр. Муолажалардан кейин эса 386.6 ± 10.6 метр ва 284.8 ± 11.4 метр га тенг бўлиб, кўрсаткичлар юқори ишончли фарқ қилди. Б гуруҳда эса бу кўрсаткичлар муолажагача 334.6 ± 13.5 метр ва 179.2 ± 12.3 метр, муолажадан кейин 378.2 ± 11.5 метр ва 248.9 ± 14.4 метр бўлиб ижобий ўзгаришларга мойиллик кузатилди. Назорат гуруҳида эса даволашгача мос равишда 346.8 ± 11.4 метр ва 192.6 ± 10.5 метр, даволашдан кейин $402.4 \pm 13,3$ метр ва $292, 2 \pm 12,6$ метр бўлиб кўрсаткичлар ишончли ўзгарди.

4. Буйрак томирлари қаршилиги даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланувчи резистентлик индекси (IR) ва пульс индекси (PI) А гуруҳда $0,70 \pm 0,02$, PI эса $1,28 \pm 0,02$ ташкил этиб меъёрий кўрсаткичларга нисбатан мос равишда 2.9% ва 2.3% га ошгани қайд этилди. Б гуруҳда эса IR $0,71 \pm 0,04$ PI эса $1,29 \pm 0,02$ ташкил қилди. Ушбу ижобий ўзгаришлар натрий-глюкоза ко-транспорттери 2 тип ингибиторларининг буйрак ичи ренин-ангиотензин тизимига ижобий таъсири натижасида буйрак гемодинамикасининг барқарорлаштиришини тасдиқлайди;

5. Стандарт даво билан биргаликда форсига қабул қилган А гуруҳ беморларда олти дақиқали юриш синамаси даволашгача ва ундан кейин СЮЕ II ва III ФС ларида мос равишда $328,6 \pm 12,5$ метр ҳамда $176,8 \pm 12,3$ метр ва $386,6 \pm 10,6$ метр ҳамда $284,8 \pm 11,4$ метр га тенг бўлди ($p < 0,001$). Беморларнинг клиник ҳолати кўрсаткичлари А гуруҳда ишончли намоён бўлди ва муолажалардан олдин СЮЕ ФС II да $5,2 \pm 0,2$ баллдан, даволашдан кейин $3,0 \pm 0,4$ баллга камайди. СЮЕ ФС III да $8,1 \pm 0,3$ баллдан, $4,7 \pm 0,4$ баллни ташкил этиб ва ҳар иккала ФСда юқори ишончлилик ($p < 0,001$) кузатилди. Бу ижобий ўзгаришларни препаратларнинг метаболик ва кардиопротектив таъсирлари билан боғлиқ.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ГАДАЕВА НИЛУФАР АБДИГАФФАРОВНА

**ОЦЕНКА ФУНКЦИОНАЛЬНОГО РЕЗЕРВА ПОЧЕК,
ИНТЕРЛЕЙКИНА-6 И ГЕМОДИНАМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ У
БОЛЬНЫХ С ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ,
ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19**

14.00.25 – Клиническая лабораторная и функциональная диагностика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.1.PhD/Tib1743.

Диссертация выполнена в Ташкентской Медицинской Академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Арипов Абдумалик Нигматович доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Гафарова Феруза Муратходжаевна доктор медицинских наук Усмонова Дурдона Джурабаевна доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр нефрологии и трансплантации почек

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в ____ часов на заседании разового научного совета на основе Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, дом 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за _____). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878)150-78-14).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от « ____ » _____ 2021 года)

М.Ш. Каримов

Председатель разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь разового научного совета на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Ш.А. Бабаджанова

Председатель научного семинара при разовом научном совете на основе научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. COVID-19 стремительно распространяется в виде пандемии во всех странах мира, заражая миллионы людей по всему миру. Естественно, что такая ситуация делает приоритетным для всех исследователей комплексное и всестороннее изучение этого заболевания.

По текущим наблюдениям мировых ученых, процесс иногда протекает бессимптомно, часто проявляется симптомами острых респираторных заболеваний верхних дыхательных путей¹. После этого у части пациентов развивается пневмония, острый респираторный дистресс-синдром, сепсис, что в конечном итоге приводит к полиорганной недостаточности. [Вирдис А.-2010].

В настоящее время все исследователи утверждают, что болезнь COVID-19 вызывает больше смертей у пожилых людей и пациентов с различными сопутствующими заболеваниями. Хотя особое внимание среди них уделяется его коморбидному состоянию с сердечно-сосудистыми заболеваниями, до сих пор не были сделаны окончательные выводы о влиянии COVID-19 на течение различных патологий миокарда, в частности хроническую сердечную недостаточность (ХСН) и почечные изменения, происходящие при ней. Ранняя диагностика этих состояний, создание принципов эффективного лечения и профилактики является актуальной проблемой медицины.

